



## БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР БЕЗОРИЛИГИ УЧУН ЎБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА БЕЛГИЛАНГАН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

**Рахимов Бобир Истамович**

Жиноят ишлари бўйича

Шайхонтохур туман судининг судьяси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10477314>

### ARTICLE INFO

Received: 4<sup>th</sup> January 2024

Accepted: 09<sup>th</sup> January 2024

Online: 10<sup>th</sup> January 2024

### KEY WORDS

Безорилик, жиноят қонуни, Советлар даври, жамоат ҳавсизлиги, безорилик мотиви, жиноят-ҳуқуқий қонунчилик.

### ABSTRACT

Мақолада муаллиф томонидан бир гуруҳ шахслар безорилиги учун жиноий жавобгарликнинг ретроспектив таҳлили амалга оширилган. Хусусан, ўрганилаётган жиноятларга оид Совет давлати давридаги жиноят қонунчилиги ўрганилиб, бир гуруҳ шахслар безорилиги учун жавобгарликнинг тарихий ривожланиши хусусидаги тегишли илмий-назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи соҳасида жиноят қонун ижодкорлиги даврийлиги ҳақида мавжуд маълумотлар анча тарқоқ. Тақдим этилган даврлаштириш доирасида, биз жиноят қонуни ижодкорлиги тарихида айнан безорилик учун жавобгарликка тўхталамиз.

Совет даври, шубҳасиз, халқ ҳаётининг деярли барча соҳаларида катта ва кескин ўзгаришлар билан ажралиб турди, бу империя чеккаларида амал қилган миллатлар ҳуқуқ тизимига ҳам таъсир кўрсатди ва ўша пайтда амалда бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бекор қилинишига олиб келди<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, дастлаб Совет давлати раҳбарлари миллий озчиликларнинг халқ анъаналарига бағрикенглик билан қарашган. Раҳбарият олдида ҳатто янги жиноят қонунчилигини мавжуд халқ одатларига мослаштириш вазифаси ҳам турган. Сўзимизни тасдиқлаган ҳолда шуни таъкидлаймизки, 1918 йил 11 майда РСФСР Миллатлар Халқ Комиссарлиги қошида Қирғизистон бўлими ташкил этилган бўлиб, унинг низомида қуйидаги вазифа қўйилган эди: "Чўл, дашт халқларининг одатий қонунига мос келадиган, жиноят ва фуқаролик қонунлари лойиҳаларини яратиш, бунда асосий урғу социализм ғояларига қаратилиши шарт"<sup>2</sup>.

Шу каби Ўзбекистон совет раҳбарияти зиммасига шундай Жиноят кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиши учун ҳуқуқий комиссия тузиш вазифаси қўйилди, унда

<sup>1</sup> Из истории гражданской войны в СССР. Документы и материалы. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. В 2 т. Т. 1. Май 1918 г. - сентябрь 1919 г. / сост. А. Г. Багрянцев [и др.]. Алма-Ата: Изд-во АН КазССР, 1963. 287 с.

<sup>2</sup> Зиманов С. З., Даулетова С. О., Исмагулов М. Ш. Казахский отдел Народного комиссариата по делам национальностей РСФСР / под ред. С. З. Зиманова ; Академия наук Казахской ССР. Алма-Ата: Наука, 1975. -С.82.



даштлар, шаҳарликлар одатлари ва “социалистик тузумнинг тўғри ғоялари” уйғун равишда яқинлашиши талаб этилган<sup>3</sup>.

XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон ССРда Советларнинг таъсис қурултойи бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон аҳолисининг одат ҳуқуқини ўзгартириш бўйича бир қатор фундаментал чоралар кўриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қурултой таъсисчиларининг фикрлари кескин иккига бўлиниб, бири халқ асосларини сақлаб қолиш тарафдори бўлса, иккинчи гуруҳ миллий ўзига хосликларга кескин қарши бўлиб, раҳбариятни қонунчиликни ўзгартириш нуқтаи назаридан қўллаб-қувватлар эди. Охир-оқибат иккинчи гуруҳ нафақат одат ҳуқуқи нормаларини қабул қилмади, балки уларни зарарли, шунингдек, ўтмиш қолдиқлари деб эълон қилди<sup>4</sup>.

Бу қурултойнинг оқибатлари ўзини узоқ куттириб ўтирмади. 1921 йил 10 ноябр куни Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси баримтани қоралади ва унга қарши кураш эълон қилди. Бундан буён баримта шахс, жамоат ва давлатга қарши жиноят билан тенглаштирилади. Хуллас, баримта каби миллий одат талончилик ва безорилик сифатида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга тенглаштирилади.

Туркистон губернияси Октябрь тўнтаришидан кейин Туркистон автоном республикаси сифатида РСФСР таркибига кирди, РСФСР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг Жиноят ҳуқуқининг Умумий ва Махсус қисмига доир декретлари, йўриқнома ва бошқа актлари ўша даврда Туркистон автоном Республикаси ҳудудида автоном Республика Марказий ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг махсус қарори билан ёки тўғридан-тўғри автоном республикага жорий этилаверар эди<sup>5</sup>.

Безорилик дастлаб мустақил жиноят сифатида 1922 йилги РСФСР ЖК 176-моддасида назарда тутилди. Ушбу модданинг диспозициясида безорилик “ўзбошимчалик, мақсадсиз, алоҳида шахсга ёки бутун жамиятга нисбатан яққол ҳурматсизликда ифодаланувчи ҳаракат” деб таърифланган. Безорилик ҳақорат, туҳмат, ёлғон хабар бериш каби жиноятлар билан бирга жиноят қонунининг “шахсга ва унинг шаънига қарши бошқа тажовузлар”<sup>6</sup> деб номланган қисмига киритилган эди<sup>7</sup>.

1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖК қабул қилинди. (Бу Кодекс ўша даврда Тожикистон АССР да ҳам амал қилар эди). Ушбу ЖК Умумий ва Махсус қисмлардан иборат бўлиб, Умумий қисми тўрт бўлимдан, Махсус қисми ўн бобдан иборат эди<sup>8</sup>.

<sup>3</sup> Из истории гражданской войны в СССР. Документы и материалы. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. В 2 т. Т. 1. Май 1918 г. - сентябрь 1919 г. / сост. А. Г. Багрянцев [и др.]. Алма-Ата: Изд-во АН КазССР, 1963. – С.152.

<sup>4</sup> Искаков И. Ж. Обзор уголовного права Казахстана, его эволюционного пути от обычного права к кодифицированному законодательству // ЮРИСТ. 2007. № 7. С. 23.

<sup>5</sup> Расулов О. Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. - Тошкент: Укитувчи. 1969, -Б.26.

<sup>6</sup> Агаджанян М.А. Уголовно-правовые, криминологические меры противодействия преступлениям, совершаемым из хулиганских побуждений.-Москва. 2017. – С.21.

<sup>7</sup> Постановление ВЦИК от 01.06.1922 «О введении в действие Уголовного кодекса РСФСР» [URL: [www.libussr.ru/doc\\_ussr/ussr\\_1338.htm](http://www.libussr.ru/doc_ussr/ussr_1338.htm) (дата обращения: 17.02.2019).

<sup>8</sup> Сулаймонова Х.С. История советского государства и права Узбекистана. II жилд. - Тошкент: Уз ССР ФА, 1960. 405-406 ст.



ЎзССРнинг биринчи ЖКсида<sup>9</sup>, безорилик учун жавобгарлик назарда тутилмаган эди. Безорилик илк бор ижтимоий хавfli қилмиш сифатида ЎзССРнинг 1959 йилги ЖК “Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар” бобига киритилди ва у 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлди. Ушбу бобда бир пайтнинг ўзида ҳам жамоат тартиби ҳам жамоат хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган эди<sup>10</sup>.

Жиноят қонунчилигидаги ўзгаришлар фақат СССРда 1932 йил 7 августда “Давлат корхоналари, колхозлар ва кооперация мулкни ҳамда қилиш ва жамоат (социалистик) мулкни мустақамлаш тўғрисида”ги қонунининг пайдо бўлиши билан юз берди, унда безорилик ниятида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар учун жазо миқдорини жиддий ошириш кўзда тутилди<sup>11</sup>.

Шу билан бирга, 1942 йил 12 ноябрда Давлат мудофаа қўмитасининг №2508-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, у Ўзбекистон ССРда безорилик ва бандитизм билан курашишга бағишланган<sup>12</sup>. Ушбу қарорда фавқулодда чора сифатида ўша машхур “тройка”лар ташкил этилиб, 100-150 та ўта ашаддий безори ва бандитларга ўлим жазоси қўлланишига руҳсат берилган.

Шунингдек, 500 штат қўшимча милиция ходимлари ажратилган, истисно тариқасида уларни чақириқ ёшидаги шахслардан танлаб олиш имкони берилган эди. Бу республикада Собиқ Иттифоқнинг турли республикаларидан Тошкент ва бошқа шаҳарларга оддий фуқаролар билан криминал элементлар ҳам кўчиб келтирилганлиги билан боғлиқ эди.

Урушдан сўнг дарҳол фақат уруш даврида ижтимоий хавfli қилмишлар учун жинойат жавобгарликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилинди ёки ўз кучини йўқотган деб топилди. 1945 йил 7 июнда СССР Олий Совети Президиуми “Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалаба муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармон чиқарди. Уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар жазодан озод этилди, ўталмаган озодликдан маҳрум қилиш муддати икки баробарга қисқартирилди.

Бироқ, амнистия контринқилобий жиноятлар, социалистик мулкни талон-тарож қилиш, бандитизм, пулни қалбакилаштириш, қасддан одам ўлдиришда айбланганларга, шунингдек, безорилик, талончилик, растрата учун бир неча марта судланган шахсларга нисбатан қўлланилмаган.

1947 йил 26 майда СССР Олий Совети Президиуми “Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонни қабул қилди. Унда шундай дейилган эди: “... кенг жамоатчилик фикрини билдирувчи ишчилар ва хизматчилар касаба уюшмалари ҳамда бошқа нуфузли ташкилотларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, СССР Олий Кенгаши

<sup>9</sup> Уголовный кодекс Узбекской ССР.-Самарканд : Юриздат. 1927.

<sup>10</sup>ЎзССР Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 1960 й.

<sup>11</sup> Постановление ЦИК СССР и СНК СССР от 07.08.1932 «Об охране имущества государственных предприятий, колхозов и кооперации и укреплении общественной (социалистической) собственности» URL: <http://www.memorial.krsk.ru/dokument/ USSR/320807.htm> (дата обращения: 18.02.2019).

<sup>12</sup> <https://www.prlib.ru/item/1351026?ysclid=lmijy2cpr3724478346>



Президиуми тинчлик даври тақозоси билан ўлим жазосини қўллаш шарт эмас, деб ҳисоблайди...".

Айни дамда, турли жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилди. СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1947 йил 4 июлдаги "Давлат мулкани талон-тарож қилиш учун жиноий жавобгарлик тўғрисида" ва "Фуқароларнинг шахсий мулкани қўриқлашни кучайтириш тўғрисида"ги фармонлари илк бор шахсий, жамоат ва давлат хўжалигига қарши жиноятларни ажратади<sup>13</sup>.

Уларда давлат жиноий сиёсатининг асосий тенденцияси яққол намоён бўлади: биринчи навбатда давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашга устунлик берилган.

Безорилик ва "кўча безорилари" ўша даврда урф бўлиб кетган, шу боис хавфли зўрлик билан, баданга оғир шикаст етказиш билан қўрқитиб содир этилган безори ҳаракатлар, шунингдек, жиноий гуруҳ томонидан ёки такроран содир этилса, мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 15 йилдан 20 йилгача бўлган муддатга меҳнат лагерларида озодликдан маҳрум қилинган.

1950 йил 12 январда СССР Олий Кенгаши Президиуми "миллий республикалар, касаба уюшмалари, деҳқон ташкилотлари, шунингдек маданият арбобларидан келиб тушган аризаларни ҳисобга олган ҳолда" "Ватан хоинларига, шпионларга ва қўпоровчи диверсантлар" учун ўлим жазосини қўллашни тиклади.

Муайян вақт давомида жиноят қонунчилиги барқарор бўлиб, илгари белгиланган жиноий принципларга мувофиқ амалга оширилди. Ҳатто 1960 йилда тасдиқланган ЎзССР Жиноят кодекси ҳам безорилик таърифи бўйича аввалги қарашларни ўзгартирмади. Бироқ айнан шу даврда, ниҳоят, узоқ давом этган ўзгаришлар ва давлат аралашуви натижасида безорилик ниятида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар айрим турларини фарқлаш ҳақида умумий фикрга келинди.

ЎзССРнинг 1959 йилги ЖК 204-моддасида назарда безорилик учун жавобгарлик тутилиб, у уч қисмдан иборат бўлган ва мазкур қонун бекор қилингунига қадар унга бир неча марта ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилган. Безориликнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари (ЖК 204-м. 2, 3-қ.) оғир жиноятлар тоифасига киритилган эди.

Жамоат тартибини қўпол равишда бузиш ва жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ ҳурматсизлик қилишдан иборат бўлган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек майда безорилик содир этгани учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг бир йил ичида қайта майда безорилик содир этиши жиноий безорилик сифатида баҳоланган ва безориликнинг объекти жамоат тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, деб қаралган. Безори ўз ҳаракатлари билан жамоат тартибини, жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини бузган.

Мазкур модданинг 1-қисмидаги "оддий безорилик"да майда безориликдан фарқли равишда нафақат жамоат тартибига, балки қонун билан муҳофаза этиладиган бошқа қадриятларга ҳам зарар етказилиши назарда тутилган эди.

<sup>13</sup> Указ Президиума Верховного Совета СССР от 04.06.1947 «Об уголовной ответственности за хищение государственного и общественного имущества» URL: <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=ESU&n=6083#06261662803196577> (дата обращения: 18.02.2019).



Объектив томони тузилишига кўра безорилик формал таркибли жиноят ҳисобланиб, жамоат тартиби қўпол равишда бузилган ёки жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ ҳурматсизлик қилинган вақтдан эътиборан тамом бўлган, деб ҳисобланади.

Жамоат тартиби тушунчаси жамоат тинчлигини, фуқаро ва ташкилотлар томонидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларини таъминловчи жамиятда ўрнатилган муносабатлар тизимини англатади. Бу тушунча кенг маънога эгаллиги боис, ҳар қандай жиноят бу тартибни бузади. Бундан ташқари безориликнинг жамоатчилик олдида содир этилиши зарурий белги сифатида кўрсатилмагани учун жамоат жойида содир этилмаган бу сингари ҳаракатлар ҳам безорилик деб квалификация қилинар эди. Амалиёт ходимлари ўша вақтларда жамиятга ҳурматсизликда ифодалануви ҳар қандай ҳаракатларни ЎзССР ЖК 204-моддаси билан квалификация қилиши мумкин эди. Бошқача айтганда, асосий эътибор “безорилик нияти”нинг асоси бўлган жиноятнинг субъектив томонига, унинг мотив ва мақсадига қаратилган эди.

ЎзССР ЖК 204-моддаси 2-қисмида ашаддий безорилик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, “оддий безорилик”ни ифодаловчи ҳаракатларни ўз моҳиятига кўра ўтакетган беҳаёлик ёки жуда сурбетлик билан ёхуд бир гуруҳ шахслар, ёки жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда содир этиш, шунингдек безорилик қилгани учун илгари судланган шахс томонидан содир этиш “ашаддий безорилик” ҳисобланган.

ЎзССР ЖК 204-моддаси 3-қисмида ушбу модданинг 1- ёки 2-қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар агар ўқ отар қурол ёки пичоқлар, кастетлар ёхуд бошқа хил совуқ қуролларни, шунингдек баданга шикаст етказиш учун махсус мослаштирилган буюмларни қўллаган ёки қўлланишига уринган ҳолда содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган эди<sup>14</sup>.

Бундан ташқари илгари майда безорилик содир этган шахслар ҳам маъмурий жавобгарликнинг муддати ўтмасдан такроран ушбу ҳаракатларни содир этиши ҳам жиноят сифатида қаралар эди. Кейинчалик, жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар натижасида майда безориликнинг жиноят сифатида баҳоланмайдиган бўлди.

ЎзССР ЖК 204-моддасида жиноий оқибат назарда тутилмаган эди. Безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш учун ЎзССР ЖК 80-моддаси 2-бандида жавобгарлик белгилангани боис, шу норманинг ўзи билан квалификация қилинар эди.

Лекин Собиқ иттифоқ Олий судининг 1972 йил 16 октябрдаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”<sup>15</sup>ги қарорига кўра баданга шикаст етказиш, зўрлик ишлатиш ёки шахсиятга тегиш, узоқ вақт давом этган ва жамоат тартибини бузилишини ўжарлик билан тўхтатмасдан, мулкни нобуд қилиш, оммавий тадбирларнинг ўтказилмай қолиши, муассаса, ташкилотлар фаолияти ва жамоат транспорти фаолиятини вақтинчалик тўхтатилишига сабаб бўлган жамиятга нисбатан

<sup>14</sup>ЎзССР Жиноят кодекси. Т.: Ўзбекистон. 1992.

<sup>15</sup>Сборник Постановлений Верховного суда ССР. – М.: 1973. С.65.



яққол ҳурматсизлик ўтакетган беҳаёликда ифодаланувчи ашаддий безорилик деб баҳоланган. Демак, шахснинг соғлиғига етказилган ҳар қандай шикаст, мулкнинг нобуд қилиниши ЎзССР ЖК 204-модда 2-қисми билан квалификация қилинган.

Ўтакетган сурбетликда ифодаланувчи ашаддий безорилик умум эътироф этган ахлоқ нормаларига ошкора риоя қилмаслик, уятсиз ҳаракатлар қилиш, касал, қария, ожиз аҳволдаги шахслар устидан кулиш, ҳурматсизлик қилишда ифодаланган.

Ушбу ЖК 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ЖК 20-боби “Жамоат тартибига қарши жиноятлар” деб номланиб, унинг 277-моддасида безорилик учун жавобгарлик назарда тутилади.

## References:

1. Из истории гражданской войны в СССР. Документы и материалы. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. В 2 т. Т. 1. Май 1918 г. - сентябрь 1919 г. / сост. А. Г. Багрянцев [и др.]. Алма-Ата: Изд-во АН КазССР, 1963. 287 с.
2. Зиманов С. З., Даулетова С. О., Исмагулов М. Ш. Казахский отдел Народного комиссариата по делам национальностей РСФСР / под ред. С. З. Зиманова ; Академия наук Казахской ССР. Алма-Ата: Наука, 1975. -С.82.
3. Искаков И. Ж. Обзор уголовного права Казахстана, его эволюционного пути от обычного права к кодифицированному законодательству // ЮРИСТ. 2007. № 7. С. 23.
4. Расулов О. Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. - Тошкент: Укитувчи. 1969, -Б.26.
5. Агаджанян М.А. Уголовно-правовые, криминологические меры противодействия преступлениям, совершаемым из хулиганских побуждений.-Москва. 2017. – С.21.
6. Постановление ВЦИК от 01.06.1922 «О введении в действие Уголовного кодекса РСФСР» [URL: [www.libussr.ru/doc\\_ussr/ussr\\_1338.htm](http://www.libussr.ru/doc_ussr/ussr_1338.htm) (дата обращения: 17.02.2019)].
7. Сулаймонова Х.С. История советского государства и права Узбекистана. II жилд. - Тошкент: Уз ССР ФА, 1960. 405-406 ст.
8. Уголовный кодекс Узбекской ССР.-Самарканд : Юриздат. 1927.
9. ЎзССР Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 1960 й.
10. Постановление ЦИК СССР и СНК СССР от 07.08.1932 «Об охране имущества государственных предприятий, колхозов и кооперации и укреплении общественной (социалистической) собственности» URL: <http://www.memorial.krsk.ru/dokument/USSR/320807.htm> (дата обращения: 18.02.2019).
11. <https://www.prilib.ru/item/1351026?ysclid=lmijy2cpr3724478346>
12. Указ Президиума Верховного Совета СССР от 04.06.1947 «Об уголовной ответственности за хищение государственного и общественного имущества» URL: <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=ESU&n=6083#06261662803196577> (дата обращения: 18.02.2019).
13. ЎзССР Жиноят кодекси. Т.: Ўзбекистон. 1992.
14. Сборник Постановлений Верховного суда ССР. – М.: 1973. С.65.